

ЎЗБЕК МУСИҚА САНЪАТИДА МАҚОМНИНГ ЎРНИ

Муяссархон Ачилдиева-

Фарғона давлат университети

“Санъатшунослик” факултети

“Муסיқа таълими” кафедраси ўқитувчиси

muayassarxon71300@fardu.uz

Фарангиз Икромов

Фарғона давлат университети

“Санъатшунослик” факултети

“Муסיқа таълими” I -босқич талабаси

feya.01.@gmail.com

Аннотация:

Ушбу мақолада ўзбек мусиқа санъатида мақомнинг тутган ўрни, бугунги кунда ёш авлод тарбиясида мақом санъатининг роли, тарбиявий аҳамияти, мақом санъатига ҳисса қўшган алломаларнинг фикрлари келтириб, уларни илмий асосларда шарҳланган.

Калит сўзлар:

Муסיқа, санъат, мақом, эстрада, лирика, миллий мусиқа, мумтоз мусиқа, сахна, ижро, куй, қўшиқ, наво.

Барчамизга маълумки, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар замида эртанги кун давомчилари ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий нуқтаи назардан интеллектуал равишда ўсиб улғашади, мустақил фикрига эга бўлиши, аниқ қўзланган мақсад сари олға одимлаши учун замин бўлиб хизмат қилмоқда. Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуслари билан санъат ва маданият соҳасига ўзларининг алоҳида эътибор қаратаётганликларини эътироф этиш жоиз.

Дарҳақиқат, 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3391 сонли қарори мусиқа ва санъат соҳаси вакиллари учун оламшумул ўз навбатида тарихий ҳужжат сифатида эътироф этилди. Чунки, қадимий маданий сарчашмалардан сўзловчи, ўзоқ тарихга эга бўлган, теран фалсафий илдизлари, бетакрор бадиий услуби, бой ижодий анъаналарга эга бўлган мақом санъати алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 6 апрелда имзолаган “Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида” ги қарорига асосан ҳар икки йилда бир марта қўхна Шаҳрисабзда шаҳрида “Халқаро мақом санъати” анжумани ўтказилиши бутун дунё халқларининг маданий-муסיқий алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

XX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон мусиқа санъатининг назарий асосларини яратишда олим, педагог ва давлат арбоби Абдурауф Фитратнинг меҳнати катта бўлиб, унинг “Ўзбек мумтоз муסיқаси ва унинг тарихи” деб номланган асари ўзбек муסיқаси тўғрисида йирик тадқиқот бўлди. Унда А.Фитрат “Шарқ муסיқаси” ва “Ғарб муסיқаси”нинг илғор анъаналарини камол топтириб ижодий ютуқларга эришиш мумкинлигини уқтиради [1.47-55].¹

Ю.Ражабий – моҳир бастакор, муסיқашунос олим ҳамдир. У бутун ижодини муסיқа санъатига бағишлади, уни тарғиб қилди ва ўзи яратган куй-қўшиқлари билан бойитди. Ю.Ражабийнинг қўшиқлари, кичик муסיқа асарлари, муסיқий сахна асарлари халқ ижрочилигининг мумтоз анъаналари билан боғлиқ.

¹ Джумаев А. «Узбекская классическая музыка» Фитрата и борьба идей. «Центральная Азия и Кавказ» Центр социально-политических исследований (Швеция). 1997-2005.

XX-XXI аср бошигача бўлган давр мусикасида бекиёс ривожланиш, катта ютуқлар, мисли кўрилмаган юксалиш даври бўлди. Турли халқларнинг ҳар бир тарихий босқичида авлодлари томонидан яратилган ва кейингисига етиб келган барча моддий ва маънавий бойликлар унинг қадриятларидир. Миллий мусика маданиятида миллий қадриятга айланган асарлар талайгина. Уларни афсона ва ривоятлардан билиш мумкин. Афсоналардаги пайғамбарларнинг сўз билан етказиш қийин бўлган туйғуларини мусика орқали ифодалаш имкониятлари намоён бўлади [2.48.]². Ривоятларга кўра аввалига бунёд бўлган 12 мақом 12 пайғамбар қиссасидир.

Мақомларда тасаввуф ғоялари кенг намоён бўлган, чунки мақомот жадал шаклланаётган XIII-XVII асрларда тасаввуф таълимоти ислом оламида кенг ёйилган ва бадий ижоднинг деярли барча турларига катта таъсир кўрсатган эди. У таълимотга кўра инсон пок ва маънавий етук бўлиб Хақиқатга, Оллоҳга етиш учун "тариқат", бошқачасига "сулук" йўлини босиб ўтмоғи лозим. Бу йўлда етита поғона ёки тўхташ жойи бор. Буларни араб тилида "мақом" дейдилар. Шунинг таъкидлаш жоизки, "комил инсон" таълимоти замонавий мақом намуналари мазмунида ҳам муҳим ўрин тутди. Мақомлар масаласи қадимдан мусикашунос ва бастакорларни қизиқтириб келган. Замонавий ўзбек кўшиқчилигида бугунги кунда чуқур миллий руҳ билан суғорилган кўшиқлар яратилмоқда. Улар асосан Наврўз, баҳор, диёримиз табиати ва миллий менталитетимизни, ўзлигимизни белгилловчи мавзуларга бағишланган. Умуман, кўпгина кўшиқларда миллийлик, миллий руҳ турли кўринишларда намоён бўлади. Кўшиқнинг шеъри ва оҳанги мазмунан бой, содда, айти пайтда ижтимоий жиҳатдан долзарб бўлиши керак. Кўшиқнинг мазмунида ёшларга ва умуман ватандошларга бўлган чақириқ руҳи сезилиб туриши, Ватан мустақиллиги нақадар буюк қадрият, уни эъзозлаш, ҳимоя қилиш ёшлар учун шарафли бурч ва муқаддас эканлиги тингловчилар қалбига сингиб кетадиган тарзда ифодаланиши керак. Ижтимоий-сиёсий мазмундаги мусика асарларидан Ўзбекистон Давлат мадҳияси Республикаимизнинг рамзларидан бўлганлиги учун у ҳам бизга қадрли. Уни тинглаган ҳар бир ўзбек ёки ўзбекистонлик фуқаро қалбида миллий ғурур ва ифтихор ҳислари жўш уради. Демак, миллий мусиканинг ҳар қандай жанри маънавий тарбиянинг асоси бўла олади.

Узоқ ўтмишда яратилган кўшиқлар авлоддан-авлодга ўтиб яшаб келмоқда. Улар оғиздан-оғизга ўтганда бадий-ғоявий жиҳатдан ишлана бориб, эшитган кишиларнинг эсидан чиқмайдиган бўлиб қолган. Кўшиқ бўладиган шеър мусикийлиги, таъсирчанлиги, оммабоплиги билан алоҳида ўрин тутди. Меҳнат кўшиқ билан енгиллашган, даҳшатларни кўшиқ билан енгганлар. Кўшиқ билан оғир мушкуллар, мусибат, кулфатлар осон кўчган[3.1.]³.

Халқ кўшиқларининг деярли ҳаммасида оптимизм, инсонпарварлик пафос билан қуйланиб, қадрланади; касб-хунар, ҳалол меҳнатни улуғлаш, унга тарғиб қилиш, ростгўйлик, инсонга меҳр-муҳаббат билан қараш, дўстлик, вафодорлик каби олижаноб инсоний фазилатлар биринчи ўринда туради[4.320.]⁴.

Маълумки, инсонда маънавиятни шакллантириб боришда адабиёт ва санъатнинг барча турлари, айниқса, мусика санъатининг тутган ўрни бекиёсдир. Тарбиявий вазибалар комплексида мамлакатимиз ёшларида эстетик дид ва эҳтиёжни камолотга етказиш етакчилиги қилади. Бу вазибани ҳал қилишда мусика санъати ҳам муҳим рол ўйнайди[5.246.]⁵.

Бугунги кун мусикаси дунёдаги содир бўлаётган ҳамма жараёнларнинг акси, инсоннинг ва инсониятнинг турли ташқи таъсирлардан, баъзан ўз-ўзидан маънавий, руҳий, ижтимоий ва жисмоний тарафлардан озод бўлишда балки ягона йўли, ҳамда инсон маданиятининг тадрижий ривожини берувчи имкониятидир. Янги мусика янги санъат каби маълум бир вақтда пайдо бўлмаган, у аввалгиларнинг давоми. Лекин баъзи бир ҳолларда айрим эстрада мусика намуналари ёшларнинг ахлоқий оламига зўрлик билан таъсир кўрсатишга уринмоқда. Улар асосан Ғарб мусикаси намуналари ёки уларга тақлидлардир.

² Кароматов Ф. Музыка народов Ср. Азии в мифах и легендах. Санъат № 2 / 99. с. 48.

³ Ташбаева Д. Эстетическое богатство и национальный колорит узбекских колыбельных песен. 2005.

⁴ Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. -Т.: Ўқитувчи, 1994. -320

⁵ Умаров Э. Эстетика Т.: Ўзбекистон, 1995. 246 б.

Ҳозирги давр ултра мусикасининг айрим турлари (“бит”, “рок”, “реп”, “поп”) ёшларни маънавий қашшоқликка, тубанликка бошламоқда. Бундай бемаъни ва беҳаё мусикаларнинг баъзи «намуналари» бизга ҳам етиб келган. Ғарб мусикасининг шиддат билан ёшларимиз ҳаётига ва онгига кириб келишини гарчанд янгилик сифатида қабул қилсак ҳам, уларнинг феъл-атворида жиддий бурилиш ясалаётганлиги айтиб ҳақиқатдир. Ғарб мусиқий жанрларининг ёшлар тарбияси, яшаш тарзига мос келаётганини инкор эта олмаймиз. Уларнинг таъби, диди шуни талаб қилапти. Лекин жазавага тортувчи, бир хил сўзларни кўп такрорлайверадиган, бир хил ритмга асосланган мусикани кўп тинглайдиган ёшлар, шубҳасиз миллийликдан йироқлашади[6.200.]⁶. Уларнинг онгу шуурига шовқин-суронли мусика шу даражада ўрнашади-ки, натижада, юриш-туриши ҳам ўзгара бошлайди.

Шу боисдан ёшларда тўғри эстетик дидни, инсоннинг маънавий дунёсини бойитувчи ҳақиқий гўзал мусикага муҳаббатни тарбиялаш, янги инсон – мустақил давлат қурувчисини камол топтириш учун кураш жамиятимизнинг муҳим вазифасидир. Чунки кишилар онги ва маънавий оламига мусика санъатининг таъсир кучи нисбатда катта. Маданий жамоатчилигимиз, авваломбор мусикашунос олимлар, устоз санъаткорлар, композиторлар, ёзувчи ва журналистлар, кўп сонли санъат ихлосмандлари бундай масалалар юзасидан ўз фикрини очиқ билдириб бориши, шу тариқа ёшларимизга тўғри тарбия беришимиз ҳам қарз, ҳам фарз[7.143.]⁷. Хўш, миллий мусиканинг тарбиявий таъсир кучини, аҳамиятини ошириш учун қандай иш кўриш керак, деган савол кўндаланг бўлади. Унга Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий куйидагича жавоб беради: “Миллий қадриятларимизни, тилимизни, мусиқий асарларни боланинг энг кичик ёшидан қулоғига сингдириб борилса, у мактаб ёшига етган пайтда ўз онгини анча бойитган ҳисобланади. Боғча ёшидаги болаларга овқатланиш, ўйнаш маҳалида дам-бадам қулоққа малол келмайдиган тарзда миллий мусиқий оҳанглар эшиттирилиб борилиши керак. Ҳатто эски ўзбек адабий тили, яъни мумтоз шоирларимиз ишлатган сўзлардан бир қанчасини ўрганиб олиш йўллари ҳам бор. Болаларда нарс-ҳодисани ўзига тез қабул қилувчи ақл-идрок аста-секин ривожланиб боради. Биз нима учун А.Навоийни тушунмаймиз, чунки шоир ижодига мурожатни 11-12 ёшларда бошлаймиз. Агар болага 2-3, 4-5 ёшидан бошлаб мумтоз мусикамизни сингдириб борсак, у ёши улғайган лаҳзада мақомни, лирик қўшиқларни энсаси қотиб қабул қилмас эди. Шу алфозда мактабни битириб олгунча онги, тафаккури ривожланиб боради. Мактаб ёшидаги болаларга мусикани тинглаш соатларини жорий қилиш лозим.

Тинглаш маданияти, ҳис қилиш малакаси шакллланган бола ҳеч қачон ўз миллий мусикасини четга суриб қўйиб, ажнабийлар санъатига меҳр қўймайди. Бу анъана мактабдан коллеж ва лицейларга, олий ўқув юртларига ўтса дейман”. Болалик чоғидан фарздаларимизга тўғри мусиқий таълим бериш ва ёш авлод қалби ва онгида эзгу ғояларни шакллантириш, уларни ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат, фидойилик руҳида тарбиялаш учун республика бўйича кўп сонли мусика мактаблари, этнографик жамоалар, хор тўғараклари ташкил қилинган. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, XX асрнинг биринчи ярмида ўзбек мусика санъатининг назарий асосларини яратишда А.Фитратнинг меҳнати катта бўлди. Унинг “Ўзбек мумтоз мусикаси ва унинг тарихи” китоби Ўзбекистон мусика маданиятида янги қарашлар шаклланишини кўрсатди. Унингча дунё мусика маданиятидаги Шарқ ва Ғарб мусикаларининг илғор анъаналарини камол топтириб, ижодий ютуқларга эришиш мумкин. XX асрнинг иккинчи ярмида Республикада мумтоз куй ва оҳанглар билан бир қаторда эстрада ҳам ривож топди.

Ҳозирги кунда унинг йўналишлари кўпайиб кетиб, ёшлар тарбиясига ижобий билан бир қаторда салбий таъсирлар ҳам кўрсатмоқда. Халқ яратган қўшиқларнинг ҳамма турларида юксак, олижаноб ғоя ихчам бадиий шаклларда ифодалангандир. Уларга лапар, ялла, терма, ашулалар киради ва кўпчилик тингловчиларга мўлжалланган. Қўшиқнинг мазмунида ёшларга ва умуман ватандошларга бўлган ҳақиқат руҳи сезилиб туриши, Ватан мустақиллиги нақадар буюк қадрият, уни эъзозлаш, ҳимоя қилиш ёшлар учун бурч ва муқаддас эканлиги ифодаланиши керак.

⁶ Узбекская музыка на стыке столетий (xx-xxI вв)тенденции, проблемы. Т.2008, с. 200

⁷ И.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч”, - Т.: Маънавият, 2009,143б.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Джумаев А. «Узбекская классическая музыка» Фитрата и борьба идей. «Центральная Азия и Кавказ» Центр социально-политических исследований (Швеция). 1997-2005.
2. Кароматов Ф. Музыка народов Ср. Азии в мифах и легендах. Санъат № 2 / 99. с. 48.
3. Ташбаева Д. Эстетическое богатство и национальный колорит узбекских колыбельных песен. 2005.
4. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси.-Т.: Ўқитувчи, 1994.-320
5. Умаров Э. Эстетика Т.: Ўзбекистон, 1995. 246 б.
6. Узбекская музыка на стыке столетий (xx-xxI вв)тенденции, проблемы. Т.2008, с. 200
7. И.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч”, - Т.: Маънавият, 2009,143б.